



Changes in the legislation on insolvency

Dilbar RUSTAMOVA¹

Tashkent State University of Economics

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 August 2023
Accepted 25 August 2023
Available online
15 September 2023

Keywords:

insolvency,
bankruptcy,
creditor,
debtor,
external management,
court date,
France,
Netherlands,
Spain,
bankrupt the debtor.

ABSTRACT

This article analyzes the emergence and development of norms related to changes in insolvency legislation. In particular, the structure of civil legislation studied the regulation of insolvency, the adoption, and renewal of special laws – bankruptcy law and insolvency law, as well as the norms of legislative acts related to insolvency, and covered issues of their improvement.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp323-327>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Тўловга қобилиятсизликка оид қонунчиликдаги ўзгаришлар

Калит сўзлар:

тўловга қобилиятсизлик,
банкротлик,
кредитор,
қарздор,
ташқи бошқарув,
суд санацияси,
Франция,
Голландия,
Испания,
банкрот.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тўловга қобилиятсизликка оид қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ нормаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳлил қилинган. Хусусан, фуқаролик қонун ҳужжатлари таркибида тўловга қобилиятсизликнинг тартибга солиниши, махсус қонунлар – “Банкротлик тўғрисида”ги ва “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилиниши ва янгиланиб борилиши, шунингдек, тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ қонуности ҳужжатларнинг нормалари ўрганилган ва уларни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

¹ Senior Lecturer, Department of Social Humanities, Tashkent State University of Economics.

Изменения в законодательстве о неплатежеспособности

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

неплатежеспособность,
банкротство,
кредитор,
должник,
внешнее управление,
дата суда,
Франция,
Нидерланды,
Испания,
банкрот.

В данной статье анализируется возникновение и развитие норм, связанных с изменениями в законодательстве о несостоятельности. В частности, в рамках структуры гражданского законодательства рассматривалось регулирование этой сферы, принятие и обновление специальных законов – закона о банкротстве и закона о неплатежеспособности, а также вопросы совершенствования законодательных актов в этой области.

2022 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги қонун қўлланилиб келинмоқда эди. Мазкур қонунда банкротлик тўғрисидаги ишда қўлланиладиган таомиллар тўлиқ шакллантирилди, 192 моддадан иборат бўлган қонун тўловга қобилиятсиз қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашга қаратилган янги қоидаларни ўзида мужассамлаштирди. Қонунга иккита янги боб киритилди: кузатув ва суд санацияси, шунингдек барча таомиллар суд бошқарувчилари томонидан амалга оширилиши, суд бошқарувчилари хўжалик суди томонидан тайинланиши ва назорат қилиниши белгиланди.

Ривожланган мамлакатларда банкротлик (ночорлик) ҳақидаги қонун ҳужжатлари, биринчи навбатда, рақобатга ва узлуксиз тузилмавий ўзгаришларга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш учун қўлланади. У бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида бўлган иқтисодиётнинг қонунчилик асосларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларга кафолатларни таъминлайди, бу эса охир-оқибатда мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларнинг банкротлик тўғрисидаги қонунларида ноцорлик жараёнларининг турли босқичлари кўриб чиқилади ва уларнинг барчаси, қоидага кўра, қарздор мулкнинг ташқи бошқарувидан бошланади. Ночорлик ҳақидаги қонунлар кўпинча ўзига хос иқтисодий ҳолатга эга бўлган корхоналар банкротлик жараёнларини тартибга солувчи алоҳида қоидалардан иборат бўлади. Банкротлик тўғрисидаги Россия қонунида қарздорнинг ноцорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда баланс тузилмасини баҳолашдан фойдаланиш кўзда тутилмайди. Америка Қўшма Штатларида кредиторлардан ҳуқуқий ҳимоя олиш учун қарздорлар ўз ноцорлигини асло намоёйиш қилмаслиги лозим, бироқ Ғарб тизимларининг кўпчилигида, аввало, пул маблағлари оқими стандартига асосланган ноцорлик мезонлари белгиланади. Инглиз, француз ва немис тизимлари ликвидликнинг етишмаслигига асосланади, бу эса баланс тузиш учун активлар ва пассивлар бухгалтерия баҳоси, шунингдек, баланс ишончсизлиги билан боғлиқ қийинчиликлардан қочишга имкон беради. Хусусан, шунинг эътиборига олиш керакки, ноцор, баъзида эса ноинсоф (ёлғончи) қарздор ҳисоботида худди ҳамма нарса ўз жойида, деб кўрсатиши мумкин. Исталган ҳолатда ҳам нормал

баланс тузилмасига эга бўлмаган қарздорлар, одатда, ликвидликнинг пастлиги муаммосини вақтинчалик ҳал қилиш учун маблағлар жалб қилишга қодир бўлади, қарздорнинг қарзларни тўлашга қодир эмаслиги унинг баланси қийин вазиятда эканлигини кўрсатади, шунингдек, пул маблағлари оқими битта мезонининг ўзи етарли эканлигидан далолат беради. Кўпчилик ҳуқуқий тизимларда, аввало, нақд пул оқими ёки ликвидликка йўналтирилган ночорлик стандартидан фойдаланилади. Француз қонунчилиги ҳам, ўз ибтидосини француз қонунчилигидан оладиган бошқа ҳуқуқий тизимлар ҳам фақат тўловларнинг тўхтаб қолишига асосланади. Худди шу меъёр АҚШнинг банкротлик тўғрисидаги қонунидан ҳам ўрин олган бўлиб, унда баланс текшируви номувофиқ ва қиммат тушадиган жараён сифатида бекор қилинган. Қоидага кўра, қарздорнинг унга нисбатан бундай чоралар қўллаш борасида ҳаракат қилиш учун тўловга қобилиятсизликнинг исботи ёки ночорлик бўйича биронта текширув ўтказиш зарурати йўқ. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим мамлакатларда (Франция, Голландия, Испания) тўлалигича банкротлик жараёнини ташкил қилмайдиган алоҳида чоралар ҳақида қоидалар жорий қилинган. Бу ташқи бошқарувчи назорати остида активларни вақтинчалик ҳимоя қилиш бўлиб, бу пайтда якка тартибдаги кредиторларга тўловларга мораторий жорий қилинади (лекин уларнинг судга ариза бериш имкониятига эмас).

Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади. Суд қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги аризани иш юритишга қабул қилиб олган кундан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини якка тартибда қаноатлантириш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Қарздорга нисбатан бажариладиган барча ҳаракатлар кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилишида ёки кредиторлар қўмитасида қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этади. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этган ҳолларда кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатларига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

- келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;
- кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, қўмитанинг миқдорий таркибини белгилаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;
- суд санақияси ёки ташқи бошқарув тартиб-таомилини жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш ҳақидаги қарор;
- қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилини бошлаш ёки қарздорнинг фаолиятини тўхтатмасдан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритиш тартиб-таомилини бошлаш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат этиш тўғрисидаги қарор;

– суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни тўлаш жадвалини маъқуллаш ҳақидаги қарор;

– Тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган аризачи томонидан қопланади. Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг етти баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланади.

Агар кредиторлар йиғилишида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, суд муваққат бошқарувчининг қарздорнинг фаолиятини тиклаш учун имконият мавжудлиги тўғрисидаги хулосасини инобатга олган ҳолда, қарздорга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини жорий этишга ҳақли. Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Кредиторлар йиғилиши, башарти унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича мажбуриятлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилишда ўз вакиллари орқали ҳам иштирок этиши мумкин. Кворум мавжуд бўлмаган тақдирда, ўн кунлик муддатда кредиторларнинг такрорий йиғилиши чақирилади, башарти йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, такрорий йиғилиш ҳозир бўлган кредиторларнинг сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади.

Кредитор ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган суд қарори, кредиторлар йиғилишининг қарори, суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилини амалга ошириш даврида суд бошқарувчиси унинг талабларини қаноатлантиришни рад этганлиги устидан шикоят беришга ҳақли.

Тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши, шунингдек ваколатли давлат органининг сўровига кўра корхоналарнинг иқтисодий қодирлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни тақдим этиши шарт.

Зеро, бугунги кунда тўловга қобилиятсизликка оид қонунчилик доирасида иқтисодий судларда тўловга қобилиятсизлик ишларни юритишда айрим муаммолар, ноаниқликлар юзага келмоқдаки, ушбу муаммоларнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Суд амалиётида кўпчилик тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларда қарздор банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланилган. Шунинг эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, тугатишга доир иш юритиш таомили даврида ҳар доим ҳам барча кредиторлар талаблари қаноатлантирилмайди. Қонуннинг 134-моддасига асосан мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган деб ҳисобланади. Кузатув

даврида қарздор раҳбари ёки бошқа шахснинг жавобгарликка тортилиши, биринчи навбатда, суд санацияси таомилини қўллашга салбий таъсир кўрсатади. Чунки, суд санацияси таомида қарздорни молиявий соғломлаштиришда асосий ташаббускор ва ижрочи айнан қарздор раҳбари ҳисобланади. У суд санацияси чора-тадбирларини амалга ошириш, суд санацияси режасини ишлаб чиқишда қатнашиши мумкин. Кузатувнинг бир ой қилиб белгиланганлиги ва суд санацияси режасини ишлаб чиқиш қисқа муддатларда амалга оширилишидан келиб чиқиб фикр билдириш мумкинки, қарздорнинг бошқарув органларида фаолият юритувчи шахсларни лавозимдан четлаштирмаслик лозим. Суд санацияси таомили даврида тугатишга доир иш юритишдан фарқли ўлароқ, барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш эҳтимоли ва даражаси баландроқ бўлади.

Юқоридагиларга кўра мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар авж олиб борар экан, бозор муносабатларига хос восита ва механизмларнинг жорий этилиши ҳаётий заруратдир. Тўловга қобилиятсизлик институти ҳам товар–пул муносабатларини бозор тамойиллари асосида ривожланишини таъминловчи восита сифатида кенг илмий тадқиқ этилиши, шу асосда ушбу соҳа қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилиб борилиши долзарб вазифалардан саналади. Чунки, тўловга қобилиятсизлик институти бозор муносабатларида ўзига хос аҳамият касб этиш билан бирга, бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг бир чораси ҳам ҳисобланади. Бу молиявий қийинчиликлар вақтида хўжалик юритувчи субъектларнинг суғуртасини таъминлашда намоён бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бандурин В.В., Ларицкий В.Е. Проблемы управления несостоятельными предприятиями в условиях переходной экономики. – М.: “Наука и экономика”, 2004. –С. 10.
2. Гришаев С.П., Аленичева Т.Д. Банкротство. Законодательство и практика применения в России и за рубежом. – М., 2003. –С. 134.
3. Колинченко Е.А. Защита должника при несостоятельности (банкротстве) в Великобритании, США, Германии, Франции и России (сравнительный анализ). // Вестник высшего арбитражного суда РФ. 2000, №9. –С. 114–124.
4. Lopez-de-Silanes F. The Politics of Legal Reform // G24 Discussion Paper Series. No 17, April 2007. United Nations Publication, 2007.
5. Claessens S., Klapper L.F. Bankruptcy Around the World: Explanations of its Relative Use. World Bank Policy Research Working Paper 2865, July 2007.